УДК 371.12+152.27

ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ БОЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШДАГИ МЕТОДИК ИМКОНИЯТЛАРИ

В.А.Қодиров

Мақолада мактабгача таълим муассасаларида дидактик ўйинларнинг болаларни мустақил фикрлашга йўналтириш, фикрлаш тезлигини оширишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Мактабгача ёшдаги бола ўзини қуршаб турган дунёни билиш жараёнида бевосита борлиқ билан муносабатга киришишга интилади. Бу интилишни ўйин шаклида мақсадга йўналтириш ғоят муҳим, яъни мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ишлари самараси асосан болаларнинг ўйин фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил қила билишга боғлиқдир.

Калит сўзлар: *“Илк қадам” дастури, дидактик ўйинлар, мустақил фикрлаш, ижодий ўйинлар, қоидали ўйинлар, таълим методлари, фикрлаш тезлиги.*

В статье речь идёт о значении дидактических игр в формировании у детей навыков самостоятельного мышления, в развитии скорости мышления в учреждениях дошкольного образования. Ребёнок дошкольного возраста в целях познания стремится войти в контакт с окружающим миром. Очень важно это естественное стремление ребенка целесообразно направить в игровой форме. Потому ка эффективность учебно-воспитательной работы в учреждениях дошкольного образования во многом связана с умением целесообразно организовать игровую деятельность воспитанников.

Ключевые слова: *программа “Илк кадам” (Первый шаг), дидактические игры, самостоятельное мышление, творческие игры, методы обучения, скорость мышления.*

Таълим тизимининг ибтидоси бўлмиш мактабгача таълим босқичида тарбияланувчиларнинг етакчи фаолияти ўйин саналса-да, ушбу жараён замирида таълим ва тарбия бериш, борлиқни англатиш, мустақил фикр юритишга ундаш орқали шахсни шакллантириш кўзда тутилади [1]. Мактабгача таълим муассасаларида деярли барча жараён – таълим ҳам, тарбия ҳам ўйин шаклида амалга оширилиши “Илк қадам” дастурида алоҳида таъкидланган [2]. Ўйин воситасида тарбиялаш масаласи тарбиячи педагоглар, олимларнинг диққатини ўзига тортиши ҳам бежиз эмас [3,4]. Мактабгача таълим педагогикаси ва методикасига бағишланган адабиётларда таъкидланишича, ўйинлар бу ёшдаги болаларнинг асосий иш фаолиятларидан бўлиб, уларнинг ҳар томонлама ривожланишларига ижобий таъсир кўрсатади [5]. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил қилинган ўйинлар тарбияланувчиларда бир қатор шахслик сифатларининг таркиб топиш асосидир.

Болалар ёши улғайиб мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари уларни ўраб турган борлиқ ва воқеликлар таъсирида дунёқараши ҳам кенгайиб боради. Бу ёшдаги бола ўзини қуршаб турган дунёни билиш жараёнида бевосита улар билан амалий муносабатга киришишга интилади. Бунда шу жиҳат характерлики, қизиқишлар устунлигидан бола атрофдаги ўзига тааллуқли ва тегишли бўлмаган нарсалар билангина эмас, балки катталарга мансуб бўлган, ўзининг имконияти ва кучидан юқори бўлган ишлар билан ҳам амалий муносабатда бўлишни хоҳлайди. Бу унинг ичидаги тезроқ катта бўлиш истагининг ташқи кўринишидир. Ана шу истакни ўйин шаклида мақсадга йўналтириш ғоят муҳимдир, яъни мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ишларининг самараси асосан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил қила билишга боғлиқдир. Ўйин кичкинтойлар томонидан хаёлан яратилган уйдирма эмас, аксинча, болалар хаёлотининг ўзи ўйин жараёнида юзага келиб, ривожланадиган ҳодисадир. Илм-фан бемисл тараққий қилаётган ҳозирги даврда кундан-кун яратилаётган кўплаб янгиликлар болаларга гўё мўъжиза бўлиб кўринади. Шундан улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида кўрганларига қиёсан турли хил мўъжизаларни ўйлаб топадилар (учар жонивор, учар техника, машина одам, сўзлайдиган жониворлар, ярми одам, ярми жониворга ўхшаш жонзотлар ва бошқалар). Шунингдек, болалар ўзларининг хаёлидаги фаразларида ички эҳтиёжлари, қизиқишлари талаб қилаётган нарса-ҳодисаларни ўйлаб топадилар. Ҳаётларидаги ўйин фаолиятларида турли афсонавий қаҳрамонларни, образларни яратишлари одамнинг (айниқса, болаларнинг ҳам) ўраб турган муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттириши фаол, креатив, ўзгарувчан тафаккури маҳсулидир.

“Ўйинлар болаларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбиясида, уларда мустақил фикрлаш кўникмасининг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Ўйинлар мактабгача таълим ташкилотларида амалга ошириладиган машғулотлар, уларнинг кундалик ҳаётидаги кузатишлари билан узвий боғлиқ бўлиб, таълимий-тарбиявий аҳамият ҳам касб этади” [6. Б. 90]. Болалар ўйнайдиган ўйинлари ўзининг хилма-хиллиги, ҳар бирининг ўзгача мазмун ҳамда ташкил этиш йўсинига, бунда истеъфода қилинадиган жиҳоз, кўргазмалар турлари ҳамда ўрнига кўра ҳам турфалиги кузатилади. Булар, ўз навбатида, болалар ўйинларини гуруҳлаш имконини беради. Мактабгача таълим педагогикаси илмида болалар ўйинларини икки йирик гуруҳга бўлиниши айтилади: ижодий ва қоидали ўйинлар. Уларга тадқиқотчи Г.Бердалиева ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтган [6. Б. 90 – 91].

Ижодий ўйинларнинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар ва уларда ўз таассуротлари, борлиқ ҳақидаги тушунчалари, билимлари ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар. Ижодий ўйинларда болаларнинг теварак-атрофдан олган таассуротлари акс эттирилади. Ижодий ўйинларда болаларнинг эркинлиги, мустақиллиги, ташкилотчилиги ва ижодкорлик қобилиятлари тўлалигича намоён бўлади.

Қоидали ўйинлар эса катталар томонидан яратилади ва бола ҳаётига татбиқ этилади. Бундай ўйинлар ўз мазмуни ва қоидаларининг содда ёки мураккаблиги даражасига асосланган ҳолда болаларнинг ёшларига қараб тақдим этилади. Катталар томонидан белгилаб қўйилган қоидалар асосидаги ўйинларнинг кўпчилигини халқ ўйинлари ташкил этади. Яъни авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача етиб келган кўча ўйинларидир.

Бу икки турдаги ўйинларнинг ўз навбатида хилма-хил кўринишлари бор. Масалан, биринчи гуруҳ ижодий ўйинларга сюжетли-ролли ўйинларни киритиш мумкин. Дидактик ўйинларни эса мазмунмоҳиятига кўра қоидали ўйинлар сирасига киритиш ўринли бўлади. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўйинлар ҳар бирнинг бошқалардан фарқли жиҳатлари, бажариш шартлари бўлгани ҳолда барчаси учун умумий бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд: мақсад, вазифа қўйилиши, хулоса қилиниши, режали ҳаракатлар ва ҳ.к. Тарбияланувчиларнинг ривожланишига кўра уларнинг ўйин давомида олдиларига қўядиган мақсади ҳам ўзгариб бориши табиий ҳолатдир. Улар ўйин орқали қўйилган мақсадга эришиш учун ўзларига шериклар сайлайдилар, керакли ўйинчоқларни топадилар, ўйнаш асносида маълум ҳаракатларни амалга оширадилар. Бошқа фаолият турларидаги каби ўйин жараёнига ҳам болаларнинг индивидуаллиги, руҳий билиш жараёнлари, иродаси, кечинмалари, таъсирчанлиги, қизиқиш ва эҳтиёжлари инобатга олинади. Ўйин асносида болалар фаол ҳаракат қиладилар, мулоқотга киришадилар, ўзлаштирган ҳаётий тажриба, билимларидан фойдаланадилар.

Ўйин болалар шахсий ташаббусидан келиб чиқиб вужудга келадиган, улардаги ижодийлик, юксак таъсирчанлик ифодаланадиган эркин ва мустақил фаолиятдир. Адабиётларда мактабгача таълим ташкилотларида ўйинларни куннинг дастлабки қисмида нонуштагача ва нонуштадан кейин, шунингдек, машғулотлар давомида, сайрга чиққанда, уйқудан кейин ўтказиш мақсадга мувофиқлиги айтилади. Эрталаб фаолият марказларида ролли ўйинлар, қуриш-ясаш, ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Айрим машғулотлар орасида эса ҳаракатли ҳамда қоидали ўйинлар ўтказилиши кутилган самара бериши кузатилади.

Очиқ ҳавода ташкил қилинадиган ўйинлар (югуриш, отиш, сирпаниш кабилар) олдиндан тушунтирилиши керак бўлган қоидаларга эга бўлиб, улар болаларнинг жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Кундузги уйқудан сўнг ташкил этиладиган ўйинлар сирасига: ролларга бўлиб саҳналаштириладиган ўйинлар, қурилиш ўйинлари, эртак бўйича қўйиладиган ўйинлар ва бошқалар киради, улар болаларнинг интеллектуал қобилиятларини, ахлоқий тушунчаларини, эстетик тафаккурини такомиллаштиради.

Сюжетли-ролли ўйинлар ўзига хос мазмуни, биргаликдаги хатти-ҳаракатга ундаши, ўзаро муносабатга киришиши асносида воқеа-ҳодисаларнинг ривожланиши болалар руҳиятида жамоавийлик ҳиссини пайдо қилади, кўтаринки кайфият уйғотади, жисмоний фаолиятни яхшилайди. Инсон учун табиатига кўра нима қизиқарли бўлса, шу нарса унинг руҳияти, онги ва жисми учун фойдали бўлиши айни ҳақиқат [7. Б. 77]. Шу боис одам ўзига ёқимли бўлган фаолият тури билан шуғулланишдан зерикмайди, чарчамайди. Айниқса, болалар ўзларига ёқимли фаолият тури билан узоқ шуғуллана оладилар. Бу уларга завқ бағишлайди.

Мактабгача таълим-тарбия жараёнида ўйинчоқларнинг беқиёс ўрни ҳамда аҳамияти алоҳида таъкидланади. Ўйинчоқлар бола хатти-ҳаракатини тўлдиради, тасаввурида шаклланган образ ва хаёлидаги фикрларни амалга оширишга кўмак беради. Болаларнинг аксар ҳаракати ўйинчоқлар асосида қуриш-ясаш билан боғлиқ бўлади. Ўғил болалар соатлаб машина, уй, пароход, ҳарбий техника қурадилар, уларни аслига ўхшатишга уринадилар. Қўғирчоқни қўлига олган қизалоқлар эса ўзини худди оналаридек сезади, қўғирчоғини парваришлайди: овқатлантиради, кийинтиради, ухлатади.

Болалар ўйин жараёнида тасарруфидаги қўғирчоқларни, бошқа ўйин ашёларини қандайдир нарсаларининг номи билан атаб, хаёлида ўша нарсалар деб билиб берилиб ўйнайдилар. Масалан, ихтиёрида бўлган бир қўғирчоқни отаси, яна бошқасини онаси, стул, ўриндиқни машина, миниш мумкиндай нарсани от дея тасаввур қиладилар ва бу уларга олам-олам завқ беради. Мана шу завқланиш жараёни уларни юксалтиради, камолот сари етаклайди. Шундай қилиб, ўйинлар ижтимоий фаолият ўлароқ тарбия жараёнида муайян вазифаларни бажаради, бола шахси ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Қурилиш материаллари билан ташкил қилинадиган ўйинлар ҳам болалар тарбияси, ақлий интеллектуал ривожида муҳим ўрин тутади. Болаларнинг қуриш-ясаш ўйинлари ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинларнинг таркибий қисми саналади. Болалар томондан бирор нарсани қуришга интилиш бу уларнинг ўз фантазияларини рўёбга чиқариш усули ҳисобланади. Бу жараённинг мотивация уйғотувчиси тарбиячи бўлиши ҳам мумкин. Катта ёш гуруҳи болаларининг иштироки турлича кечади: баъзан қурилиш ўйинларига ўз-ўзидан берилиб кетишади, баъзан эса бунинг акси кузатилади. Бунда болалар диққати уларга қизиқ бўлган бирор нарсани қуриш жараёнига қаратилади. Улар мақсадга эришишлари учун турмушдаги нарсалардан: яшик тахталари, дарахт шохчалари, қум, лой, сув ва бошқа табиий материаллардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Болалар ёши улғайгани сари ўзлари қилган, қурган ишларидан кўнгиллари тўлмай боради. Чунки ўз ижод намуналарининг ҳақиқий қурилишга кўпроқ ўхшаш бўлишини хоҳлайдилар. Истаклари рўёби учун уларга махсус қурилиш материаллари зарур бўлади.

Ҳар хил геометрик шакллари билан боғлиқ қуриш-ясаш ўйинлари, бир томондан, болаларни меҳнатга тайёрлайди, иккинчи томондан, геометрик билимларнинг дастлабки белгиларини шакллантиради. Қурилиш материаллари билан боғлиқ ўйинлар ҳам тарбияланувчиларнинг мустақил тафаккурини ривожлантиради, уларнинг қурилиш ишлари борасида таҳлил ва синтез қилиш, қиёслаш, фарқли ва ўхшаш томонларини аниқлашларига ёрдам беради. Айни пайтда болаларни вазифаларни тўғри ҳал қилишга ўргатади. Қурилиш материаллари билан боғлиқ ўйинлар геометрик жисмларнинг хусусиятлари, улар билан ишлашда нисбатларни (ўнг-чап, узун-қисқа, кенг-тор,узоқ-яқин, баланд-паст) амалда билиб олишга кўмак беради. Қуриш-ясаш фаолияти асносида болалар жамоа бўлиб бирлашадилар, бу айни пайтда уларнинг нутқи ривожланишига ҳам туртки беради. Мазкур ўйин шакли болаларнинг маънавий дунёсига ҳам таъсир кўрсатади. Тарбиячи болаларни қуриш-ясашга ўргатишда қуйидаги усулларни қўллаши мумкин:

- жараённи бошлашдан олдин болаларга қуриб кўрсатади;
- қурилаётган объектнинг ҳар бир қисми таҳлил қилинади;
- тайёрланган намунани кўрсатиб, уни тушунтириб беради;
- бошлаган ишни болалар томонидан давом эттиришни таклиф қилади;
- болаларга хоҳлаган шаклда ва мавзуда ихтиёрий қурилишни таклиф қилади [8. Б. 87].

Мактабгача таълим ташкилотларида кенг фойдаланиладиган дидактик ўйинлар билиш жараёни билан бевосита алоқадор бўлиб, таълим жараёни такомилига туртки беради. Дидактик ўйинлар мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг имкониятларига мувофиқ келадиган таълим методларидан биридир. Дидактик ўйинлардан нофаол болаларни жамоага қўшиш, уларнинг турли хил вазифаларни дадил бажаришлари мақсадида фойдаланилади. Дидактик ўйинлар тарбияланувчиларнинг бирга ўйнаб, шахсий манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйғунлаштириш, ўзаро ёрдамдан хурсанд бўлиш каби ижобий муносабатларни таркиб топтиришга ёрдам беради. Дидактик ўйинлар – болаларнинг амалий фаолияти. Бунда болалар ўзлари олган ҳаётий тажриба ва билимларидан фойдаланадилар. Шу боис дидактик ўйинлар болалар интеллектуал фаолиятларини, мустақил фикрлаш қобилиятини кучайтиради, ўзларидаги билимлардан турли усулларда фойдаланишларига зарур шароитларни яратади.

Айни пайтда дидактик ўйинлар болаларни атроф-муҳит тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, шахсий тажрибалари ва ўйин давомида олган билимларини амалда қўллашга ўргатади, мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради, тажриба ва билимларни амалиётга татбиқ этишга йўналтиради. Дидактик ўйинлар билимларни енгилроқ, қизиқарлироқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Болалар ёшига мос ва ўзларига қизиқ бўлган фаолият орқали ўйинда сингдириладиган маълумот, кўникмалар ўзлаштирилиши осонлашади.

Катталар томонидан яратиладиган дидактик ўйинлар болаларнинг интеллектуал ривожланиши, билим ва кўникмаларни ўзлаштириши, мустақил фикрлаш қобилиятини таъминлашни мақсад қилиб қўяди. Уларда ўйин унсурлари қанча кўп бўлса, болаларга шунча кўп завқ бағишлайди. Ўйин табиатига кўра болаларда мотивация уйғотади, аксар ҳолларда ўйиндаги етакчи фикр ушбу ўйиннинг бош сабаби бўлади. Дидактик ўйиннинг ҳар бири ўз мазмунидан келиб чиққан муайян қо-

нун-қоидаларга эга бўлади. Мазкур қоидаларнинг мавжудлиги ҳаракат йўналиши, ўйин жараёни боришини белгилайди, болаларнинг хулқ-атвори, ҳаракати, бир-бирлари билан муносабатларини бошқаради, керакли томонга йўналтиради.

Дидактик ўйинлар учун белгиланган қоидалар болаларнинг ҳаракатини баҳоловчи мезон сифатида олинади. Мазкур қоидалар ўйин иштирокчилари ҳаракат йўналишини белгилаб беради, натижаларнинг болаларга маънавий ва ахлоқий таъсирини аниқлайди. Тарбияланувчиларнинг зеҳни, топқирлиги, синчковлиги ва хотира қобилиятини намойиш қилиш имконияти вужудга келади. Шу тариқа болаларнинг ўз кучига ишончи ортади, ўйиндан оладиган маънавий қониқиш ҳиссини пайдо қилади.

Таниқли олима Ф.Р.Қодированинг фикрига кўра, дидактик ўйинларнинг муҳим унсури қоидалар ҳисобланади [9. Б. 103]. Қоидаларни бажариш асносида ўйин мазмуни амалга оширилади. Дидактик ўйин таълим-тарбия мазмуни ва шакли билан бевосита боғлиқ бўлиб, унга ёрдам беради. Дидактик ўйин – бу мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методидир.

Дидактик ўйиннинг мазмуни ҳақида тадқиқотчи Г.Бердалиева ўз ишида тўхталиб, қуйидагиларни ўз ичига олишини таъкидлайди:

а) буюмлар, уларнинг номи, ранги, шакли, ҳажми, сифати ва ишлатилиши тўғрисида билимлар бериш;

б) меҳнатнинг ҳар хил тури ва унинг кишилар ҳаётидаги роли тўғрисидаги билимлар;

в) табиат воқеалари, нарсалар, буюмлар, йил фасллари тўғрисидаги билимлар;

г) дастлабки математик тушунчалар: сон, саноқ, катталик, шакл вақт ва фазовий тушунчалар бериш [6. Б. 96].

Дидактик ўйинларга қатъий қолипга ёндашилгандай қаралмайди, вазиятга кўра – болаларнинг хоҳиши, берган саволлари ва ташаббусларига қараб ўйин шакли, унинг мазмунини ўзгартириш ҳамда бойитиш мумкин. Ўйинни белгиланган вақтда бошлаб, кўзда тутилган пайтда якунлаш катта маҳоратдир. Тарбиячи ўйинга болаларнинг иштиёқлари сусаймай туриб тугатиши лозим, токи болалар кўнглида уни давом эттириш истаги сақланиб қолсин. Дидактик ўйинлар гуруҳнинг машғулот хонасида, залда, ўйин майдончаси, ҳовли ва бошқа жойларда ўтказилиши ҳам мумкин. Жойларнинг ўзгариши ўйинларнинг болаларда турфа таассуротларни уйғотишига сабаб бўлиб, уларнинг фаоллигини оширади, ақлини пешлайди, тафаккурини чархлайди. Кўринадики, дидактик ўйинлар ўтказиладиган бошқа ўйинлар каби тарбияланувчиларга нафақат таълим бериш воситаси, айни пайтда дунёқарашини кенгайтириш, тафаккури мустақиллигини таъминлаш, ғалаба завқини туйдириш сингари фазилатларнинг ортишига ёрдам беради.

Одатда, 3-4 ёшдаги болалар ўзлари ёлғиз ўйнашга мойил бўладилар. Предметли ва конструкторли ўйинлар орқали кичик ёшдаги болаларнинг хотира, идрок, тасаввур, тафаккур, ҳаракат лаёқатлари ривожлантирилади. Сюжетли-ролли ўйинларда эса улар ўзлари мунтазам кўриб, кузатаётган катталарнинг хатти-ҳаракатларини акс эттирадилар. 4-5 ёшли болаларнинг ўйини бора-бора жамоавий тус ола бошлайди. Болаларга хос индивидуал хусусиятлар уларнинг жамоавий ўйинларида намоён бўлади. Мазкур ўйинлар орқали болалар катталарнинг нафақат предметларга муносабатини, айни пайтда ўзаро ижтимоий муносабатларини ҳам акс эттирадилар. Шунингдек, жамоавий ўйинда кичкинтойлар муайян гуруҳларнинг ўзига хос ҳаётий фаолиятларини ҳам кўрсата оладилар.

5-6 ёшда сюжетли-ролли ўйинлар ривожланиши кузатилади, лекин энди бу ўйинлар мавзу ва мазмунан бойийди, шунингдек, хилма-хиллиги билан фарқлананиб туради. Ролли ўйинлар ижросида болаларнинг ҳар бирида етакчилик истаги ва қобилияти юзага кела бошлайди, ташкилотчилик кўникмалари ҳам шакллана боради [10. Б. 56].

Соҳа педагогларининг фикрича, беш ёшли бола бир қанча эртакни эшитган, улар юзасидан берилган саволларга жавоб бера олади, алоҳида эпизодларни қайта ҳикоя қилиб беришни уддалайди, айримлари асарнинг тўла сюжетини ҳам сўзлаб беришлари мумкин. Шу боис бу ёшда болага нисбатан мураккаброқ масалаларни қўйиш тўғри бўлади. Бу орқали унинг ривожланишига етакчилик қилинади [11. Б. 68].

Мактабгача ёшдаги болаларга хос дидактик ўйинлар тавсия этилган адабиётларда бундай ўйинлар шартли равишда икки гуруҳга ажратилади: аввалгиси сенсор (ҳис қилиш, туйиш орқали ўзлаштириш) фаолиятига қаратилган, кейингиси мантиқий дидактик ўйинлар (яъни математик қобилиятни ўстирувчи ўйинлар). Ўйинларнинг биринчи гуруҳи нарса (предмет)ларни ажратиш (улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни фарқлаш) ва нарса (предмет)лардан яхлит бир шакл ясаш (тасаввур қилиб, қисмлардан яхлит бир бутунликни яратиш)дир [10. Б. 26].

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи яна бир дидактик ўйин “Жамоа туз” деб номланади. Бу ўйин ўз олдига мева ёки сабзавотларни турли белгилари бўйича саралаш билан болаларда маълумотлар кўламини, билимларини ошириш, мустақил фикрлашга ўргатиш мақсадини қўяди. Турли хил рангли расмлар ёки табиий мева, сабзавотлар ушбу

ўйиннинг кўргазмали материали бўла олади. Ўйин қуйидагича тартибда ўтказилади: тарбияланувчиларга бир нечта мева ёки сабзавот тасвири туширилган суратлар ёки мева, сабзавотларнинг ўзи тарқатилади. Ўйин аввалида тарбиячининг ўзи бошловчилик қилади. Масалан, помидорни қўлга олади ва "унинг шарбати бор" дейди. Шунда помидор ўз жамоасини "тузади": унинг теграсига шарбати бўлган бошқа сабзавоти бор болалар қўлидаги расм билан келиб қўшиладилар. Жамоага қўшилган бола қўлидаги сабзавот номини ҳамда ўзига хос хусусиятларини баён этади: қўлимда сабзи бор, унинг ҳам суви-шарбати жуда фойдали*; менда қовоқ бор.* Унинг ҳам шарбати бор. Уйда ундан фойдаланамиз.

Кейин бошқарувчилик гуруҳдаги болалардан бирига ўтади: у *"*Менда лавлаги бор. У қизил*".* Энди болалар қўлларидаги шу рангдаги сабзавотлар билан яна бир жамоа ҳосил қиладилар, ўзларида бўлган сабзавотнинг номи ва рангини айтиб қўшилаверадилар. Учинчи бир бошловчилик қилаётган бола: "Менда шолғом бор. Ундан таом тайёрлашда фойдаланилади*",* дейди. Қайси бир боланинг қўлида овқатга солинадиган сабзавот бўлса, ушбу жамоага номи ва у овқатга солинишини айтиб қўшилади. Бошқа жамоалар эса меваларнинг у ёки бу хусусиятларидан келиб чиқиб уюшадилар, муайян белгиларини баён этадилар. Қайсидир бола адашиб кетса, бошқалари тузатиб боради. Мазкур ўйин тарбияланувчиларнинг мева ёки сабзавотлар, уларнинг хусусиятлари ҳақидаги маълумот, билимларини мустаҳкамлайди, шу билан бирга уларда синчковлик фазилатини тарбиялайди.

Тил ва нутқ фаолият марказларида болаларни мустақил фикрлашга ўргатадиган дидактик ўйинлардан яна бири "Инсонлар ва жониворлар" деб номланади. Ўйин болаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш билан бирга суҳбатга киришиш, нутқни шакллантириш, суҳбат учун мавзу танлаш лаёқатини ривожлантиради. Бу ўйин воситасида уй ҳайвонларининг одамларга келтирадиган фойдасини ўзлари учун кашф этадилар.

Болалар дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этувчи, уларда мустақил фикрлаш лаёқатини такомиллаштиришга омил бўладиган дидактик ўйинлардан бири "Байрам дастурхони" деб номланади. Мазкур ўйин машғулоти жиҳозлари сифатида ўрмондаги ҳайвонлар, уларнинг уялари ва ейдиган овқатлари тасвири туширилган карточкалар бўлади. Тарбиячи бугун қуён байрам муносабати билан ўрмондаги бошқа ҳайвонларни зиёфатга чақирганини айтади. Меҳмон кутиш учун бир мунча таомлар тайёрлаганини айтади ва болаларга ҳар хил озиқ-овқатлар расмини ҳавола этади. Кейин болаларга мурожаат қилиб айтади: "Болажонлар, шу таомларга қараб топинглар-чи, қуён зиёфатга кимларни таклиф қилибди?" Болалар расмларда акс этган идишдаги асал, тақсимчадаги ёнғоқ, кўзачадаги сут, ихчам боғланган пичан, косачадаги қурт-қумурсқалар ва ҳ.к. таомларга асосланган ҳолда уларни истеъмол қиладиган ҳайвонларнинг номларини айтадилар. Кейин тарбиячи бу овқатларнинг олдига уларни истеъмол қиладиган ҳайвонлар суратини ёпиштиради ва сўрайди: "Ўйлаб боқинг-чи, қуён қайси ҳайвонларни меҳмонга чақирмабди? Нима сабабдан чақирмади экан?" Болалар мулоҳаза қилиб, қуён бўри билан тулкини меҳмонга чақирмаганини айтадилар. Чақирмагани сабабини ўзлари билганича изоҳлайдилар. Сўнгра тарбиячи ҳикояни давом эттириб: "Меҳмонга келган ҳайвонлар зиёфатда яйраб овқатланишибди, суҳбатлашибди ва кечга яқин уйларига қайтишибди", дейди ва ўйиндаги кейинги топшириққа ўтади. Тахтага ҳар хил уяларнинг суратини ёпиштириб, қуйидаги топшириқни беради: "Меҳмондан қайтган ҳайвонларнинг суратини ўз уяси олдига қўйинглар". Бирин-кетин чиққан болалар маймоқ айиқни каттагина уясига, олмахонни дарахтга, қушларни дарахт шохларига, қуённи буталар остига жойлаштиришади. Сўнгра яна ҳикоя қуйидагича давом эттирилади: "Эрталаб туриб барча ҳайвонлар қуён ташкил қилган меҳмондорчилик қандай ўтганини сўзлаб беришибди". Тарбиячи шу ўринда болаларга савол билан мурожаат қилади: "Бир ўйлаб кўринглар-чи, қайси ҳайвон қандай ҳайвончаларга қуённинг зиёфати ҳақида гапириб берибди?" ва иштирок этган ҳайвонларнинг болалари акс этган суратларни чиқаради. Энди болалар суратдаги ҳайвон болаларининг номини айтиб, уларни ўз оналари олдига ёпиштириб қўядилар. Шу тариқа баҳолаш босқичига етиб келинади: тўғри қўйилган жавоблар олдига тарбиячи ҳар хил баҳоларни акс эттирувчи белгиларни ёпиштириб чиқади. Масалан, тўғри бажарилган топшириқлар ёнига юлдузча ёки "смайлики"ларни қўйиб бориш мумкин. Бу дидактик ўйинлар воситасида болалар ҳам билим оладилар, ҳам мустақил мулоҳаза юритиб кашфиётлар қиладилар.

Таъкидлаш лозимки, бундай ўйинларни ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилади: дидактик ўйинларнинг барча жиҳозлари олдиндан тайёрлаб қўйилиши, ўйинларни бошлаш ва якунлаш чегараси белгилаб олиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки чўзилиб кетса, болалар чарчаб қолишлари ёки имкониятларидан юқорироқ топшириқлар бўлса, қизиқишлари сўниши мумкин. Шунинг учун бундай дидактик ўйинларни ташкил қилганда дастлаб бир ёки иккитаси билан чекланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Болаларда тез фикрлаш кўникмасини шакллантирадиган дидактик ўйинлардан бири "Ҳозиржавоб бола**"** деб номланади. Тарбиячи бунда турли мавзуларни ўртага ташлайди. Тарбияла-

нувчилар шу мавзуга доир сўзларни топишлари керак бўлади. Шарт шуки, мавзу бўйича ким кўп сўз топса, у балл (юлдузча) тўплайверади. Ўйин сўнгида бал (юлдузча)лари кўп бўлган бола ғолиб бўлади. Масалан, тарбиячи: “Ёввойи ҳайвонлар”, деса, болалар: “Фил, айиқ, бўри, тулки…” каби билганларини айтади. Тарбиячи: “Мультфильмлар” деса, болалар: “Зумрад ва Қиммат”, “Маугли”, “Алпомиш”; тарбиячи: “Ўқув қуроллари” деса, тарбияланувчилар: “Ўчирғич, дафтар, қалам, циркуль…” ва ҳоказо. Тарбиячи қушлар, уй ҳайвонлари, эртак қаҳрамонлари, сув ҳавзалари ва бошқаларни ўртага ташлайверади, болалар жавоб топаверадилар. Мазкур жараёнда болаларнинг фикрлаши тезлашади, сўз бойлиги ортади, хотираси чархланади, билими ортади.

Хуллас, болаларда мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва уларни бунга йўналтиришда бадиий асарлар билан бир қаторда ҳар хил дидактик ўйинларнинг ҳам ўрни беқиёслигига юқорида тақдим этилган ўйинлар мисолида амин бўлиш мумкин.

Адабиётлар

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-maydagi PQ-4312-son “O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivozhlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” qarori [Internet manba]. http://www.lex.uz/docs/4327235. (Murojaat etilgan sana: 09.09.2019.)

2. “Ilk qadam”. Maktabgacha ta’lim muassasalari davlat o‘quv dasturi / Tayyorlaganlar: I.V.Grasheva, L.G.Evstafeva, D.T.Mahmudova, Sh.B.Nabihonova, S.V.Pak, G.Je.Djanpeisova. – Тошкент: MTV, 2018. – 268 p.

3. *Азизова З.* Мактабгача катта ёшдаги болаларда қўғирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 90 б.

4. *Аксенова А.К., Якубовская Э.В.* Дидактические игры на уроках русского языка в 1–4 классах вспомогательной школы. –Москва: Просвещение, 1991. – 176 с.

5. *Мирзажонова Д.М.* Миллий ўйинларда бола шахсини шакллантиришнинг психологик асослари: пед-псих. фан. номз …дисс. –Тошкент: 1996. – 130 б.

6. *Бердалиева Г.А.* Мактабгача таълим муассасалари нутқ ўстириш машғулотларида болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш методикасини такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент: 2019. – 128 б.

7. *Ҳусанбоева Қ., Шодиев Ф., Ҳазратқулов М.* Бошланғич синфларда адабиёт ўқитиш методикаси. – Самарқанд: СамДУ нашрёти, 2019. – 380 б.

8. *Ҳусанбоева Қ.* Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: пед. фан. доктори… дисс. – Тошкент, 2007. – 240 б.

9. *Қодирова Ф.Р., Кадирова Р.М.* Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси. – Тошкент: Истиқлол, 2006. – 114 б.

10. *Миндлина Т.Я.* Дошкольное воспитание во Франции. –Москва: Педагогика, 1984. – 64 с.

11. *Венгер А.Л., Цукерман Г.А.* Психологическое обследование младших школьников. – Москва: Владос-пресс, 2003. – 160 с.

METHODOLOGICAL POTENTIAL OF DIDACTIC GAMES IN DIRECTING CHILDREN TO INDEPENDENT THINKING

V.A.Qodirov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya. Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 2 (46). 129 – 135.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan).E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *“First step” program, didactic games, independent thinking, creative games, rule games, teaching methods, thinking speed.*

As children grow older and have the opportunity to act independently, their worldview expands under the influence of the phenomena and realities that surround them. The preschooler seeks to establish a direct relationship with the process of learning about the world around them. The child has a growing desire to grow up faster. It is very important to direct this desire in the form of games, that is, the effectiveness of educational work in preschool organizations depends mainly on the ability to organize children’s games activities in a purposeful way. Games is not a fiction created by toddlers, on the contrary, children’s imagination itself is a phenomenon that arises and develops in the process of play. From this they also invent different fantasies compared to

what they see in the course of their various games (flying animal, flying machines, machine-man, talking animals, half man, half animal-like creature, etc.). Children also invent things in their imaginary assumptions that require their inner needs and interests.

In the science of preschool education pedagogy, children's games are said to be divided into two major groups: creative and rule games. The content of creative games is invented by children themselves and reflect their impressions, perceptions, knowledge and attitudes towards the objective world. Creative games reflect children's impressions of their surroundings. In creative games, children's freedom, independence, organization and creative abilities are fully manifested. Rule games, on the other hand, are created by adults and applied to children's lives. Such games are presented depending on the age of the children, based on the level of simplicity or complexity of their content and rules. Most of the games based on the rules set by adults are folk games. That is, street games that have been passed down from generation to generation.

These two types of games have different appearances in their own turn. For example, the first group of creative games can include plot-role games. It would be appropriate to include didactic games in the list of regular games according to their content. The games organized in preschool educational institutions have different aspects of each of them, as well as conditions that are common to all of them, including the conditions of performance: goal, task setting, conclusion, planned actions, etc. As children develop, it is natural that the goals they set for themselves during the game will also change. They choose partners for themselves to achieve the goal set through the game, find necessary toys, perform certain actions while playing. As with other activities, the play process takes into account children's individuality, mental cognitive processes, will, experiences, sensitivity, interests and needs. During the game, children actively move, communicate, use the acquired life experience and knowledge.

References

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-maydagi PQ-4312-son “O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivozhlantirish koncepciyasini tasdiqlash to‘g‘risida” qarori [Decree№ PD-4312 of the President of the Republic of Uzbekistan, May 8, 2019 “On the Approval of the Concept of Development of Preschool Education System of the Republic of Uzbekistan till 2030”]. Web: http://www.lex.uz/docs/4327235.

2. Grasheva,I.V. (ed.) (2018) “Ilk qadam”. Maktabgacha ta’lim muassasalari davlat o‘quv dasturi [“The First Step” State curriculum of preschool educational institutions]. Tashkent: MTV.

3. Azizova, Z. (2010) *Maktabgacha katta yoshdagi bolalarda qo’g’irchoq teatri vositasida ahloqiy-estetik sifatlarni shakllantirish* [Formation of moral and aesthetic qualities in preschool children through puppet theater].Tashkent: O’qituvchi.

4. Aksenova, A.K., Yakubovskaja, Ye.V. (1991) *Didakticheskie igry na urokah russkogo yazyka v 1–4 klassah vspomogatel’noj shkoly* [Didactic games at Russian language lessons in grades 1-4 of the auxiliary school]. Moscow: Prosveshhenie.

5. Mirzazhonova, D.M. (1996) Milliy o’yinlarda bola shahsini shakllantirishning psihologik asoslari [Psychological bases of formation of the child’s personality in national games]. Dissertation for the degree of candidate of pedagogical sciences.Tashkent:

6. Berdalieva,G.A.(2019) Maktabgacha ta’lim muassasalari nutq o‘stirish mashg‘ulotlarida bolalarni mustaqil fikrlashga o‘rgatish metodikasini takomillashtirish [Improving the Methods of Teaching Children to Think Independently During the Speech Development Practice in the Preschool Educational Institutions]. Dissertation for the degree Doctor of Philosophy (PhD) in pedagogical sciences.

7. Husanboeva, Q., Shodiev, F., Khazratqulov, M. (2019) Boshlang’ich sinflarda adabiyot o’qitish metodikasi [Methods of teaching literature in primary school]. Samarkand: SamDU nashriyoti.

8. Husanboeva Q. (2007) Adabiy ta’lim zharayonida o’quvchilarni mustaqil fikrlashga o’rgatishning ilmiy-metodik asoslari [Scientific and methodological bases of teaching students to think independently in the process of literary education]. Dissertation for the degree of doctor of pedagogical sciences.Tashkent.

9. Qodirova F.R., Kadirova R.M. (2006) *Bolalar nutqini rivozhlantirish nazariyasi va metodikasi* [Theory and methods of children’s speech development].Tashkent: Istiqlol.

10. Mindlina, T.Ya. (1984) *Doshkol’noe vospitanie vo Francii* [Preschool education in France]. Moscow: Pedagogika.

11. Venger, A.L., Cukerman, G.A. (2003) Psihologicheskoe obsledovanie mladshih shkol’nikov [Psychological observation of the primary school pupils]. Moscow: Vlados-press.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Кодиров Валижон Абдураҳмонович – Андижон давлат университети мактабгача педагогика кафедраси доценти, педагогика фанлари доктори.

E-mail: vqodirov@mail.ru